

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**1.2021**

**научно-теоритический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2021**

**“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-nazariy, metodik jurnal**

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

<b>TAHRIR HAY’ATI:</b>	
<b>JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN</b>	<b>ABDULLAYEV Bahrom</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>ABDULLAYEV Ikrom</b> , biologiya fanlari doktori, professor, <b>ABDULLAYEV Ilyos</b> , iqtisod fanlari doktori, <b>ABDULLAYEV Ravshanbek</b> , tibbiyot fanlari doktori, professor, <b>ABDULLAYEV O’tkir</b> , tarix fanlari doktori, <b>ANNAMURATOVA Svetlana</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>BERDIMUROTOVA Alima</b> , falsafa fanlari doktori, professor, <b>DAVLETOV Sanjarbek</b> , tarix fanlari doktori, <b>DO’SCHONOV Tangribergan</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>ERMETOVA Jamila</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>HAJIYEVA Maqsuda</b> , falsafa fanlari doktori, <b>IBRAGIMOV Zafar</b> , fizika-matematika fanlari nomzodi, <b>IMOMQULOV Sevdiyor</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>JO’RAYEV Mamatqul</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>JUMANIYAZOV Maqsud</b> , texnika fanlari doktori, professor, <b>JUMANIYOZOZ OV Otoboy</b> , filologiya fanlari nomzodi, professor, <b>KALANDAROV Aybek</b> , filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), <b>NAVRUZOV Qurolboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>OLLAMOV Yarash</b> , yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, <b>OTAMURODOV Sa’dulla</b> , falsafa fanlari doktori, professor, <b>PRIMOV Azamat</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>QUTLIYEV Uchqun</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>RO’ZIMBOYEV Safarboy</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>RO’ZIYEV Erkinboy</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>SADULLAYEV Azimboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, <b>SADULLAYEVA Nilufar Azimovna</b> , filologiya fanlari doktori, <b>SAGDULLAYEV Anatoliy</b> , tarix fanlari doktori, professor, <b>SALAYEV San’atbek</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>SALAYEVA Muxabbat Soburovna</b> , pedagogika fanlari doktori, <b>SATIPOV G’oipnazar</b> , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, <b>XODJANIYOZOZ Sardor</b> , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rnibosari), <b>YOQUBOV Jamoliddin</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>O’ROZBOYEV Abdulla</b> , filologiya fanlari doktori, <b>O’ROZBOYEV G‘ayrat</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>G‘AYIPOV Dilshod</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
<b>JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI</b>	
<b>2021 1(163)</b>	

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyala agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

3. *tell/say, listen/hear* сўзларини ишлатиш ўринлари параллел корпусда кузатиб, статистик асосда хуласалар чиқаринг.

4. *information retrieval/searcher* каби атамаларнинг фарқини параллел корпус мисоллари асосида таҳлил қилинг.

5. *rip* сўзининг контекстда қўлланишига мисоллар топинг, семаларини ажратинг.

6. Параллел корпусдан байналмилал сўзларни топинг. Уларнинг она тилингиз ва таржима тилидаги маънолари айнан мос келадими? Шу ҳақда хуласа чиқаринг.

**Махмудова Муаттар Махсатиллоевна**

(БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси катта ўқитувчиси)

## **Й.В.ГЁТЕ “ФАРБУ ШАРҚ” ДЕВОНИНИНГ МАҚСУД ШАЙХЗОДА ВА С.С.БУХОРИЙ ТАРЖИМАЛАРИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР**

**Аннотация.** Маълумки, жаҳон адабиёти дурдоналарига ўзининг салмоқли улушини қўшиган машҳур немис адаби Й.В.Гётенинг асарлари дунёнинг турли тилларига таржима қилинган. Машҳур ўзбек адаблари М.Шайхзода ва С.С.Бухорийнинг Гёте ижодидан таржималари ўзининг фалсафий нур маънолиги билан ўзбек адабиётида беқиёс ўрин эгаллаган. Мазкур мақолада Й.В.Гётенинг “Фарбу Шарқ” девонининг М.Шайхзода ва С.С.Бухорий таржималаридағи ўзига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилган.

**Аннотация.** Всем известно, что произведения известного немецкого писателя И.В.Гете, внесшего значительный вклад в шедевры мировой литературы, переведены на разные языки мира. Переводы известных узбекских писателей М.Шайхзода и С.С.Бухари из произведений Гете занимают уникальное место в узбекской литературе своей философской чистотой. В статье рассматриваются особенности перевод дивана “Запада и Востока” И.В.Гете в переводах М.Шайхзода и С.С.Бухари.

**Annotation.** Everyone knows that the works of the famous German writer J.W.Goethe, who made a significant contribution to the masterpieces of world literature, have been translated into different languages of the world. The translations of the famous Uzbek writers M.Shaikhzod and S.S.Bukhari from the works of Goethe occupy a unique place in Uzbek literature for their philosophical purity. The article discusses the features of the translation of the divan “West and East” by I.V.Goethe in the translations of M.Shaikhzod and S.S.Bukhari.

**Калим сўзлар:** девон, таржимон, Шарқ, ҳижрат, шеърий таржима, Ҳофиз, илмий тадқиқод, адабий алоқа, ижодкор, фалсафа.

**Ключевые слова:** девон, переводчик, Восток, миграция, поэтический перевод, Хафиз, исследование, литературное общение, творец, философия.

**Key words:** *divan, translator, East, migration, poetic translation, Hofiz, research, literary communication, creator, philosophy.*

Й.В.Гётенинг асарлари башарият маънавиятини юксалтиришга хизмат кила олиши жиҳатидан жаҳон адабиётининг дурдоналари қаторидан ўрин олди. Ҳозиргача улар жаҳоннинг кўплаб тилларига қайта-қайта таржима қилинган. Жумладан, Гёте асарларини таржима қилиш жараёни ўзбек адабиётида ҳам катта қизиқиши билан кечди. Чунки Гёте ижодига эътибор ўзбек китобхонлари орасида ҳам кучли. Албатта, бунда таржимонларнинг алоҳида хизмати борлигини қайд этмоқ жоиз.

Гёте ижодидан ўзбек тилига дастлабки таржималар XX асрнинг йигирманчи йилларидан бошланган. Унинг шеърларидан намуналар Чўлпон, Ойбек томонидан таржима қилинган. Кейинчалиқ, Гёте шеърларини Мақсад Шайхзода, Шукрулло, Мухаммад Али, Насриддин Мухаммадиевлар ҳам ўзбек тилига ўтиришган.<sup>1</sup>

Шоир Мақсад Шайхзода – “Фарбу Шарқ девони”нинг ilk таржимони. У бу асарни шеърий кўринишда рус тилидан ўзбек тилига ўтирган. Асар “Ҳижрат – кўчиш” шеъри билан бошланади.

<sup>1</sup> Иоганн В.Гёте. Ҳижрат-кўчиш («Фарбу Шарқ девони»дан). Мақсад Шайхзода. Чорак аср девони. Танланган асарлар. Т., Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1958, 426–427-бетлар; Гёте. Умид. Шукрулло. Танланган асарлар. Т., 1958, 111-бет; Гёте, Сайёхнинг тунги қўшиғи. Мухаммад Али. Фазодаги хислар. Т., 1967; Гёте, Тўрт ажиб совға («Фарбу Шарқ девони»дан Н.Мухаммадиев таржимаси). “Ёш ленинчи”, 1968, 5 октябрь.

Маълумки, Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг душманлардан қочиб, Маккадан Мадинага кўчиши “хижрат” деб номланган. Лекин бунда Гёте ўз юртида барча умидлари саробга айлангач, “хижрат этиш” иборасини рамзий маънода қўллаб, ўзининг хаёлан гарбу жануб ва шимолдан Шарққа, шарқона шеърият оламига “кўчиши”ни ифода этган. Шу “кўчиш” ва “қочиш” орқали янги ҳаёт бошлаганини ва бунга бошқаларнинг ҳам эргашишини таъкидлаган.

*Бузилди гарб, жануб ва шимол,  
Тахту тожслар бўлди поймол!  
Сен йироққа, кун чиқарга боқ!  
Унда қўшиқ, севги бор, май бор...,  
У табарруқ ҳавони шимир  
Ва бошлагил янгидан умр.*

А.Сайдов фикрича, шоир яшаган даврда, Ғарбда ижтимоий-давлат тузуми таназзулга юз ту-таётган бир шароитда, ўзи нафас олаётган мұхитда маънавий тиргак бўлгули бирон нарса тополмаган Гёте хаёлан Шарққа “хижрат” қиласди. Шарқ шеъриятидан илҳом олади ва “Ғарбу Шарқ дево-ни”ни ёзиш билан машғул бўлади.<sup>1</sup>

Немис халқининг буюк адиби Й.В.Гётенинг Шарққа, Шарқ халқига, унинг шеъриятига, шунингдек, ислом динига бўлған ихлосу эҳтироми намунаси сифатида яратилган “Ғарбу Шарқ дево-ни” ёки “Магрибу Машриқ девони” Садриддин Салим Бухорий томонидан ҳам немис тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилинган. Шоир ва таржимон сифатида танилган Садриддин Салим Бухорий чорак аср давомида ушбу асарнинг айрим бобларини бевосита аслиятдан таржима қилиб, уларни турли газета-журналларда эълон қилиб борди. Жумладан, шоир бу борадаги таржималари-ни “Магрибу Машриқ” девонидан,<sup>2</sup> “Магрибу Машриқ” девонидан парча,<sup>3</sup> “магриблик Хотами Зулайҳо”,<sup>4</sup> “Хофиз Шерозийга пайров”,<sup>5</sup> “Беҳиштнома”,<sup>6</sup> “Мухаммад Алайҳиссалом”,<sup>7</sup> “Тасаввуф ва Гёте”,<sup>8</sup> “Ғарбнинг Шарққа хижрати”<sup>9</sup> номлари билан пешма-пеш нашр қилиб борди. Яна шоир таржималари айрим шеърий тўпламлари таркибида, “Жаҳон адабиёти” журналида ҳам бериб бо-рилди.<sup>10</sup>

Шоир ўз “Ёднома”сида таржима жараёни ҳақида шундай ёзади: “Гётенинг «Ғарбу Шарқ де-вони» таржимаси оғир кечди. Гёте Куръондан, ҳадисдан, Ҳожа Ҳофиз, амир Навоийлардан таъсирланиб, бу асарини ёзган. Шундай бир ҳолат менда пайдо бўлдики, шуни таржима қилмасам, ўзими кечиролмайман. Лекин бир ерда ишлаб туриб уни таржима қилиб бўлмади-да. Кейин ишдан бў-шадим. Икки йил давомида уйда ўтириб қаттиқ ишладим. Уйда ўтирибман, ишламайман, ойлик олмайман. Рўзгор каттагина, Худога шукур. Ҳамма нарса аёлимнинг гарданида. Икки йил бадалида, бирор марта бўлсин, аёлим ортиқча гап қилмади, нолимади, чидади, сабр қилди. Мана, алҳам-

<sup>1</sup> Акмал Сайдов. “Шарққа хижрат эрур вожиб...”. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2009, 31-сон.

<sup>2</sup> “Магрибу Машриқ девони”дан. Немисчадан С.Салимов таржималари. “Шарқ юлдузи”, 1985, №1, 120–123-бетлар; “Магрибу Машриқ” девонидан (И.В.Гёте асарининг олмончадан таржимаси. “Шарқ юлдузи”, 1985, №2, 119–123-бетлар.

<sup>3</sup> И.В.Гётенинг “Магрибу Машриқ” девонидан парча. Олмонча аслиятдан таржима. “Бухоро ҳақиқати”, 1989, 11 ноябрь.

<sup>4</sup> Магриблик Хотами Зулайҳо. “Ёшлиқ”, 1985, 9, 53–55-бетлар; Магриблик Хотами Зулайҳо (Кириш мақола ва И.В.Гётенинг “Магрибу Машриқ” девонидан таржима. “Шеърият – 86” жамоа тўплам. Т., F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 204–211-бетлар.

<sup>5</sup> Салимов С. Ҳофиз Шерозийга пайров. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1990, 5 январь.

<sup>6</sup> Беҳиштнома. (И.В. Гётенинг “Ғарбу Шарқ” девонидан таржима). “Сирли олам”, 1991, 4, 42–46-бетлар.

<sup>7</sup> Мухаммад Алайҳиссалом (Гётенинг шу номли мақоласидан таржима). “Бухоро ҳақиқати”, 1991, 5 сен-тябрь; Мухаммад Алайҳиссалом (Гёте асарининг олмончадан таржимаси). “Сирли олам”, 1991, 10, 31–33-бетлар.

<sup>8</sup> Тасаввуф ва Гёте. Шуъла. 1993, 4 февраль; Тасаввуф ва Гёте. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1993, 25 июнь.

<sup>9</sup> Ғарбнинг Шарққа хижрати. “Шарқ юлдузи”, 1994, 9–10, 193–199-бетлар.

<sup>10</sup> Гёте И.В. Ижозат (“Ғарбу Шарқ девони”дан). Садриддин Салимов. Ёруғлик одами. Шеърлар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 72–73-бетлар; И.В.Гёте: Зулайҳога. “Магрибу машриқ” девонидан. Садриддин Салимов. Рўмолча: Шеърлар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 89–95-бетлар; Садриддин Салим Бухорий. Бухорога Бухоро келди. Шеърлар. Т., “Маънавият”, 1999, 87–95-бетлар; Гёте. Ғарбу Шарқ девони. Олмончадан Садриддин Салимов таржимаси. “Жаҳон адабиёти”, 1998, 7, 86–87-бетлар; 1998, 8, 42–43-бетлар.

дулиллоҳ, нек кунлар бўлди. Таржималарим чоп этилди”.<sup>1</sup>

С.Салим Бухорий “Мағрибу машриқ девони” таржимаси устида кўпроқ 1985–1990 йилларда қаттиқ ишлаган. Ниҳоят, 1999 йилда “Маънавият” нашриёти томонидан чоп этилган “Бухорога Буҳоро келди” номли лирик, фалсафий, сўфиёна, айниқса, Бухоройи шариф, мустақил юртни мадҳ этувчи шеърлари ўрин олган шеърий тўпламига буюк немис алломаси И.В.Гётенинг “Фарбу Шарқ девони”дан таржима қилган айрим бобларини ҳам киритиб, китобхонларга тухфа қилди.

С.Салим Бухорийнинг бу таржима асари 2011 йилда “Янги аср авлоди” нашриёти саккиз босма табоқда чоп этган “Йоҳанн Вольфганг Гёте. Заковат дурдоналари” китобидан ҳам ўрин олган. Асар алоҳида китоб ҳолида таниқли олим А.Сайдовнинг кириш сўзи билан 2010 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп қилинди. Асар мундарижасини А.Сайдовнинг “Гёте. “Фарбу Шарқ девони”: Шарқшуносликка кириш” номли сўзбоши мақоласи, ундан сўнг С.С.Бухорийнинг Гёте қаламига мансуб “Фарбу Шарқ девони”дан шеърий таржималари ҳамда буюк адабнинг “Муҳаммад саллоллоҳу алайхи васаллам” мақоласининг таржимаси, “Фарбнинг Шарққа хижрати” бўлимида эса мутаржимнинг “Фазалнавис немис шоирлари”, “Гёте ва Ҳофиз”, “Гёте ва тасаввуф” сингари мақолалари ташкил этади.<sup>2</sup> Кўринадики, мазкур китоб икки қисмдан иборат. Шоир-таржимон уни тартиб беришда, А.Сайдов таъкидлаганидек, Гёте нуктаи назаридан ёндашган. Яъни, китобнинг бошланғич қисмида “Фарбу Шарқ девони”нинг шеърлари таржималари, иккинчи қисмида эса таржимоннинг шу асар юзасидан бадиий-фалсафий ва илмий шарҳлари келтирилган.

С.С.Бухорий мазкур китобнинг шарҳлар қисмини мантиқан иккига ажратиб, унинг дастлабки қисмида Гёте ижодидан таржималарини берган. Сўнгра эса Гётенинг Шарққа, тасаввуф таълимотига, Ҳофиз ижодига муносабати, кейинчалик унга эргашиб ғазаллар ёзган немис шоирлари ҳақидаги илмий мақолаларини келтирган. Лекин, афсуски, Садриддин Салим Бухорий ўз таржимасида чоп этилган бу китоб нашрини кўра олмай, ўша йили (2010 йил 11 марта) оламдан эрта кетди.

С.С.Бухорий таржималари нафақат китобхонлар, балки адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Улар ҳақида Файбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Янглиш Эгамова, Салим Жабборов, Камола Бобоҷонова каби машҳур адабиётшунос ва таржимашунос олимлар илиқ муносабат билдириб, ўзларининг илмий асар ва мақолаларида таржимон маҳоратини юқори баҳоладилар.<sup>3</sup>

Садриддин Салим Бухорийнинг Гёте қаламига мансуб “Фарбу Шарқ девони”ни немис тилидан ўзбек тилига таржима қилишига шоирнинг нафақат немис тилини яхши билиши, у бўйича мутахассис эканлиги, балки буюк олмон шоирининг қалбан Шарққа хижрат қилиб, хаёлан Шарқ гавҳари даражасига кўтарилигандан Бухоро, Самарқанд, Балх каби қадимий ва машҳур шаҳарларнинг кўчаларини кезиши, улардаги маънавий оламга ҳавас қилиши, интилиши ва руҳан озиқланиши, хусусан, Бухорони ўзгача шуқҳ билан тараннум этгани ҳам сабаб бўлгандир, эҳтимол. Чунки Садриддин Салим Бухорий ҳам умри давомида Бухорони севиб, ардоқлаб, унинг маънавий оламидан куч ва завқ олиб яшади. Қолаверса, бундан қўйидаги мисралар ҳам дарак бериб тургандай гўё:

*Бухорою, Самарқанд – қуллуқ!*

*Бийикларни бийик сезади.*

*“Девон”ини жавоҳир билан*

<sup>1</sup> Салимова М. Ёруғлик одами. (Ёднома). Садриддин Салим Бухорий хотираси. Орзикул Эргаш. Муқаддима ўрнида. 3-бет.

<sup>2</sup> Гёте Йоҳан Вольфганг. Фарбу Шарқ девони. Йоҳан Вольфганг Гёте; олмон тилидан С.С.Бухорий тарж.: Кириш сўзи А.Сайдовники. Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010, 164-бет.

<sup>3</sup> Саломов Ф., Сулеймонов М. Ҳофиз ва Гёте. “Гулистон”, 1974, 7, 23-бет; Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Махсус мухаррир Р.Кўчкор. Т., “Маънавият”, 1999, 13–14-бетлар; Эгамова Я. Гётенинг “Фарбу Шарқ девони” ва унинг ўзбекча таржимаси хусусида. Гулистон Давлат университети Ахборотномаси. 2002, 1, 58–63-бетлар; Жабборов С. Шеърий таржиманинг айрим муаммолари (И.В.Гётенинг “Фарбу Шарқ девони” таржималари асосида). Поэтика ва лингвостилистика муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари (И.В.Гётенинг 250 йиллик юбилейига бағишлиниади). Самарқанд, 2002, 84-бет; Жабборов С. Гёте ижодида тасаввуфона шеърлар ва уларнинг ўзбек тилида қайта яратилиши. Вопросы зарубежной филологии. Сборник научных трудов. Самарқанд, 1995, с. 40–43; Жабборов С. Гётенинг “Фарбу Шарқ девони”. Матн. Талкин. Таржима. Филология фанлари номзоди... автореферати, Тошкент, 1995, 24 бет; Бобоҷонова К. Гёте ва Шарқ. “Жаҳон адабиёти”, 2007, 4, 172–179-бетлар.

*Пири доно Гёте безади.*

Бизнингча, яна Садриддин Салим Бухорий табиатига хос сўфиёна рух, шоир олим сифатида қалбини, онгу шуурини, ўй-кечинмаларини забт этган тасаввуфона қарашлар, Ҳофизу Навоий сиңгари сўз дарғаларига чин муҳаббат билан эргашиш туйгуси уни Гёте билан рухан ва маънан яқинлаштириди. У Гёте девонининг ўзбекча (Мақсад Шайхзода нусхаси) ва русча таржималарини мутолаа қилиб, шоирга эҳтиром ва муҳаббатини “Фарбу Шарқ девони”ни таржима қилиш орқали ифода этишга мусассар бўлади.

Мақсад Шайхзода таржимаси билан Садриддин Салим таржимаси ўртасида баъзи муштаракликлар борлиги баробарида анчагина фарқликлар ҳам мавжуд. Уларга хос муштаракликлар, асосан, қуидагиларда кўринади:

♦биринчидан, ҳар иккала таржимон катта тажриба, билим ва қўникмага эга шоир сифатида девоннинг ғоявий-бадиий хусусиятларини шоирона юзага чиқара олишган;

♦иккинчидан, ҳар иккала таржимон ҳам ўз таржимасида асар номини “Фарбу Шарқ девони” деб эмас, “Магрибу Машриқ девони” деб аташган.

Иккала таржимага хос фарқлар эса қуидагиларда намоён бўлади:

♦биринчидан, Мақсад Шайхзода ўз таржимасини рус тилини воситасида амалга оширган бўлса, Садриддин Салим Бухорий девонни бевосита немис тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Натижада девон аслиятдан тўппадан-тўғри таржима қилингани учун асарнинг бу таржима варианти бошқаларидан аниқлиги, мазмунан мукаммаллиги, бадииятининг кучлилиги билан ажralиб турди;

♦иккинчидан, Мақсад Шайхзода девонни шоир сифатида таржима қилган бўлса, Садриддин Салим Бухорий бу ишни нафакат шоир, балки тарихчи ва тасаввуфшунос олим, етук таржимон-мухтассис сифатида амалга оширеди. Шунинг учун Мақсад Шайхзода таржимаси бадиий таржима бўлса, Садриддин Салим Бухорий таржимасини илмий-ижодий таржима дейиш мумкин;

♦учинчидан, Садриддин Салим Бухорий немис тилини яхши билганлиги учун немис адабиёти тарихига оид манбаларни аслиятдан ўқиб тушуниш имкониятига эга эди. Шу боисдан у “Фарбу Шарқ девони” таржимасига қўл уришдан олдин мазкур асарга ҳамда унинг муаллифи Гёте ҳаёти ва ижодига оид немис тилидаги илмий-адабий ва тарихий маълумотлар билан чуқур таниша олди. Шу тариқа, Садриддин Салим Бухорий гёteshunuos олим сифатида ҳам шаклланиб, Гёте ва унинг фалсафасини, ижодига хос шарқона ҳамда тасаввуфона руҳни тўғри англаб, тўғри шарҳлай олди. Бу ҳақдаги илмий қарашларини мақолалар кўринишида матбуотда эълон қилиб борди.<sup>1</sup> Шунинг учун Садриддин Салим Бухорийнинг “Магрибу Машриқ девони” таржимаси оддий таржима эмас, шоирона ва олимона илмий-ижодий таржимадир.

Тўртингчидан, Садриддин Салим Бухорий кўпроқ сўфиёна рух ва оҳангга эга шеърлар таржимасига эътибор қаратган бўлса, Мақсад Шайхзода эса, аксинча, ўз даври ҳукмрон мафқурасининг бундай асарларга кескин қаршилигидан келиб чиқиб, умуминсоний қарашлар талқинидаги шеърларни танлаб таржима қилган. Шунинг учун Мақсад Шайхзоданинг “Магрибу Машриқ девони” таржимаси бирмунча қисқа бўлиб қолган.

Бешинчидан, Мақсад Шайхзоданинг “Фарбу Шарқ девони” таржимаси асарни тўлиғича қамраб олган эмас. У асардан парча кўринишида таржима қилинганди бўлса, Садриддин Салим Бухорий девоннинг таржима матнини ва унга оид илмий тадқиқотларини ягона китоб ҳолида эълон қилишга имкон ва журъат топди. Лекин шу ўринда Садриддин Салим Бухорий ҳам Гёте “Девон”ида аслиятида мавжуд бўлган шеърларнинг барчасини ўз таржима китобига тўлиқ кирифтмаганлигини таъкидлаш лозим. Таржимоннинг ўзи бу ҳақда: “Айрим таржималарим ўзимга маъкул бўлмагани учун, уларни китобга кирифтадим”, деган камтарона изоҳни бериб ўтган.

Олтинчидан, Садриддин Салим Бухорий “Фарбу Шарқ девони” таржимасидай мураккаб ва катта ишга катта тайёргарлик билан жиддий ёндашганини унинг “Девон” таржимасига қўл уришдан олдин Гёте ижоди ва девонига оид манбалар билан нафакат яқиндан танишиш, балки шоир уй-музейини зиёрат қилиб, уни рухан англаш мақсадида маҳсус Германияга бориб келиши ҳам тасдиклайди. Шу тариқа, Шарқ ва Фарб адабий алоқалари тарихини пухта ўрганган шоир-олим-тар-

<sup>1</sup> Салимов С. Жомий ва Гёте. “Бухоро ҳақиқати”, 1989, 6 сентябрь; Салимов С. Гёте. Муҳаммад алайҳиссалом. Садриддин Салим таржимаси. “Сирли олам”, 1991, 10, 32–33-бетлар; Салимов С. Бехиштнома. “Сирли олам”, 1991, 4, 42-бет; Садриддин Салим. Фарбнинг Шарққа хижрати. “Шарқ ўлдузи”, 1994, 9–10, 193–199-бетлар.

жимон Германия сафаридан қайтгач, аввал, Гётенинг ижодидан айрим намуналарни, жумладан, унинг “Ўрмон шоҳи”, “Сайёхнинг тунги кўшиғи”, “Кўшиқчи” каби қатор шеър ва балладаларини немисчадан ўзбекчага ўтириб, ўзининг қалами оҳангини “Фарбу Шарқ девони” усулига созлайди. Мана шу тарзда “Девон” таржимасининг ўта мураккаблиги ва бу ишнинг катта масъулиятини ҳис килгандан сўнг шоир-таржимон ҳеч қаерда ишламасдан, икки йил ўз ижодхонасига яшириниб, унинг таржимаси билан шуғулланган.

Еттинчидан, Ҳофиз ижодини Гётедан кам севмаган Садриддин Салим Бухорий учун ёшлигидан форс-тожик тили она тили – ўзбек забони каби сўзлашув тили бўлиб келгани сабабли у бошқа форсийзабон шоирлар қаторида Ҳофиз ижодини аслиятдан ўқиб-тушуниб, англаб олиш салоҳиятига эгалигидан Гётенинг “Фарбу Шарқ девони”даги Ҳофизга эргашиб ёзилган мисраларни қийналмай, керагича маромига етказиб ўзбекчалаштиришда азият чекмади.

Хулас, Гёте ижодида ўзининг ғоявий-бадиий хусусиятлари билан алоҳида мавқега эга бўлган “Фарбу Шарқ девони”ни таниқли шоир Мақсад Шайхзода билвосита, бухоролик ижодкор, таржимон Садриддин Салим Бухорий эса бевосита немис тилидан ўзбекчага таржима қилишган.

Саккизинчидан, Садриддин Салим Бухорий олмон шоири Гёте ижодидан Ғайбулла ас-Салом раҳбарлигига илмий изланишлар олиб борди.

Тўққизинчидан, у немис тили мутахассислиги бўйича ўқишни битиргач, шаҳар сайёҳлик идорасида таржимон сифатида иш бошлайди. Вазифаси, асосан, Германиядан келган меҳмонларни Бухоро билан таништириш, уларга дикқатга молик жойлар, обидалар тарихини сўзлаб беришдан иборат бўлган. Лекин у бу ишдан тез воз кечади. Бунга сайёҳ меҳмонлардан бирининг унга: “Уруш бизда, Германияда бўлган, лекин Бухоро нега бунча вайрон, 1941–1945 йил бомбалари Бухорога тушмаган-ку?”деб сўрагани, Садриддин Салимов эса бунга рўй-рост жавоб беришга қийналгани сабаб бўлади.

Юқоридаги омиллардан кўринадики, Садриддин Салим Бухорийнинг таржималари тилини ва мавзу ўйналишини иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Немис ижодкорларининг, хусусан, И.В.Гёте шеърлари ҳамда “Фарбу Шарқ” (“Магрибу Машриқ”) девони таржимаси.

2. Тасаввуф олимларининг форс-тожик тилида битилган асарлари таржимаси.

Хулас, шарқона ҳаёт тарзи билан яшаган, Шарқ адабиётини чукур билган, тарғиб этган ва имкон қадар бойитган зиёли Садриддин Салим Бухорий Ғарб адабиётини ҳам чукур ўрганганди ва тарғиб эта олди.

### Atabekova Feruza Hujamkulovna (Jizzax Politexnika instituti) BADIY ASARLARDА REALIYALAR TARJIMASI

*Annotatsiya. Tarjimada milliy koloritning eng muhim jihatini ifodalaydigan realiyalarni tarjima qilish muammolari alohida dolzarb ahamiyatga ega. Xususan, badiy asarlardagi realiyalarni xorijiy til-larga, jumladan, o'zbek tilidan inglizchaga o'girish, mazkur muammoni Alisher Navoiy asarlari misolida qiyosiy tahlil etishning muhimligi mazkur maqolaning dolzarbligini belgilaydi.*

*Аннотация. В переводе особое значение приобретают проблемы трансляции реалий, представляющих важнейший аспект национального колорита. В частности, актуальность данной статьи определяется важностью перевода реалий художественной литературы на иностранные языки, в том числе на узбекский, английский язык, а также сравнительным анализом проблемы в творчестве Алишера Навои.*

*Annotatiton. In translation, the problems of broadcasting realities, which are the most important aspect of national color, acquire special significance. In particular, the relevance of this article is determined by the importance of translating the realities of fiction into foreign languages, including Uzbek, into English, as well as a comparative analysis of the problem in the works of Alisher Navoi.*

*Kalit so'zlar: tarjima, tarjimashunoslik, realiya, kolorit, transkripsiya, transliteratsiya, izohlash, tushuntirish, sharhlash.*

*Ключевые слова: перевод, переводческое дело, реальность, колорит, транскрипция, транслитерация, интерпретация, объяснение, толкование.*

*Key words: translation, translation studies, reality, coloring, transcription, transliteration, interpretation, explanation, commenting.*

## MUNDARIJA

### МАТЕМАТИКА

Matyoqubov Zokir Qadamovich, Quryozov Dostonbek Baxodirovich. Matritsaviy sohalar uchun Karleman formulasи.....	3
Ибодуллаева Нафиса Мухитдиновна. Некоторые частные случаи обобщенной внешней кривизны поверхности.....	8

### МЕХАНИКА

Джалилова Тургуной Абдужалиловна, Дадабоева Маргуба Мамасолиевна. Обтекание пластинки двухкомпонентным сверхзвуковым потоком.....	12
---	----

### FALSAFA

Ёркулов Ҳакимбек Отакулович. Миллий тил ва миллий интеллектуал салоҳият.....	14
Бекчанов Дониёр. Жадидчилик фалсафасининг шаклланиш негизлари.....	19
Саманова Шахло Бохтияровна. Ўзбекистоннинг халқаро экологик ҳамкорлик сиёсатида етакчи тенденциялар.....	22
Язданов Улуғбек Тошмуротович, Таникулов Жанибек Аширкулович. Жамоатчилик фикрининг ўзгарувчанлик динамикаси.....	25

### HUQUQSHUNOSLIK

Мирсагатов Каҳрамон Хайдарович, Азимов Акмал Атхамович. Мехнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширишнинг долзарб вазифалари.....	28
--	----

### TILSHUNOSLIK

Курбанов Элбек Элмуродович. Нутқий таъсир ва нейролингвистик дастурлаш.....	32
Назарова Наргиз. Ўзбеклар оламнинг лисоний манзарасида оналик концептосферасига доир қарашлар.....	36
Исақов Зокиржон Солиевич. Ўзбек тилида сўз туркумларини таснифлаш хусусида.....	40
Садуллаева Нилюфар Азимовна, Махмудова Мафтұна Абдурашид қызы. Ўзбек ва инглиз тиллари электрон поэтик лугатини яратишда тимсоллар тасвири.....	42
Худайберганова Назокат Рахимовна. Лингвистик терминлар классификацияси хусусида.....	48
Джафарова Дилдора Илхомова. Тилшуносликда “тарихий хотира” га оид фразеологик бирликлар ва уларнинг таҳлили.....	54
Дадабаев Хамидулла Арипович. Термины, обозначающие военные чины, должности и титулы в староузбекских письменных памятниках XIV–XVIII вв. ....	56
Мамасолиев Илхам Убайдуллаевич. Теоретическое и лексикографическое аспекты изучения антонимии в русском и узбекском языках.....	62

### ADABIYOTSHUNOSLIK

Холматова Нигора. “Шайх Санъон қиссаси” бугунги ўзбек насрода рамзий метафора сифатида....	67
Jepbarova Sayat Kurbanmuradovna. “Oshiq Najab” dostonida aytilishuv janr xususiyatlari.....	69
Смамутова Ширин Азатбаевна. Мұхабbat мавзусини тавсифлашда халқ анъанаси билан уйғунлик.....	74
Тожиев Актам Мансурович . Алишер Навоий ижоди шарқшунос Олим Бертельс талқинида.....	77

### PEDAGOGIKA

Абдурахимов Қўёшбек. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ахборот компетентлигини ривожлантириш – педагогик муаммо сифатида.....	81
Раджабов Насир Насимович. Ўзбек аудиториясига инглиз тилини ўқитишида дифтонглар интерференцияси.....	87
Xujaniyozova Oygul, Abdullayeva Surayyo. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining adabiy-estetik tarbiyasini shakllantirishda she’riy asarlarning ahamiyati va ularni o‘qitish metodikasi.....	90
Худайберганов Аниёз. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш.....	93

<b>Ergasheva Muborak Qozoqboyevna.</b> “Kompyuter grafikasi” fanini o‘qitishda Corel Draw dasturining afzalliklari.....	95
<b>Садирова Камола Ғиёзовна.</b> Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг ақлий ривожланиш йўллари.....	97
<b>Abdullayeva Maftuna Muxitdinovna.</b> Surdopedagogika ta’lim yo‘nalishida tahsil oluvchi talabalarda empatiya kasbiy sifatini rivojlantirishda o‘quv va ishlab chiqarish amaliyotining ahamiyati.....	100
<b>Турабова Севара Каттақуловна.</b> Талабаларнинг аргументатив компетентлигини ривожлантириша баҳс-мунозара методининг аҳамияти.....	102
<b>Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна.</b> Программно-методический комплекс в качестве эффективного средства использования информационных технологий в преподавании предмета теория алгоритмов.....	105
<b>Allaberganova Muyassar Rimberganovna, Ashirova Anorgul Ismoilovna, Baltayea Iroda Ismoilovna, Xajiboyeva Surayyo Maxmudjonovna.</b> Articulate storyline dasturida elektron resurs yaratish metodikasi.....	112

## ILMIY AXBOROT

<b>Расулов Сайдулла Қурбонович, Тўрамкулов Шокир Нормуминович.</b> Зарафшон воҳасининг биогеокимёвий худудларида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болалар соч таркибидаги макро- ва микроэлементларнинг соматометрик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги.....	117
<b>Мамадалиев Жавлонбек Абдумуталиб ўғли.</b> Андижон вилояти сугориладиган ерлар сифатини баҳолаш.....	122
<b>Джумақулов Шуҳрат Баҳодирович.</b> Маҳалла маънавий тарғибот обьекти сифатида.....	124
<b>Ражабов Ўтқирjon Хурсаналиевич.</b> Ижтимоий мухитнинг шахс тараккиётидаги ўрни ва роли.....	127
<b>Исомиддинов Азизбек Абдумажидович.</b> Ҳаракатлар стратегияси ва ёшлар интеллектуал салоҳиятнинг ижтимоий-маданий омили.....	130
<b>Алламуратов Нурибай Есемуратович.</b> Қорақалпоқ тилида компонентли юридик терминларни боғловчи воситалар.....	133
<b>Choriyev Shokir Mamadaminovich.</b> Chipqon atamasining fonetik, etimologik-semantik xususiyati.....	137
<b>Аширбаева Дилором Равшановна.</b> Корейс тилидаги ака (형/오빠) ва опа (누나/언니) мурожаатларининг этимологияси ва кўлланилишига доир.....	139
<b>Cho‘lliyeva Gulchehra Toshpo‘lot qizi.</b> Intonema haqida.....	143
<b>Ибрагимов Хайрулла Ҳамдамович.</b> Тўра Сулаймон ижодида теоморфик метафора.....	146
<b>Каримов Рустам Абдурасулович.</b> Параллел корпуснинг лингвистик, хорижий тил лингводидактикасидаги аҳамияти ва таржимонлик соҳасидаги имкониятлари.....	150
<b>Махмудова Муаттар Махсатиллоевна.</b> Й.В.Гёте “Фарбу Шарқ” девонининг Мақсад Шайхзода ва С.С.Бухорий таржималарига хос хусусиятлар.....	153
<b>Atabekova Feruza Nujamkulovna.</b> Badiiy asarlarda realiyalar tarjimasi.....	157
<b>Эрданов Зафар Даминович.</b> Зулфиянинг поэтик маҳорати ва ўзбек таржимашунослиги муаммолари.....	160
<b>Курбанова Мунаввар.</b> Шекспир услубидаги тизимли ва структуравий яхлитлик.....	164
<b>Атажанов Сарвар Самандарович.</b> Эркин Самандарнинг асар бадииятида турғун ўхшатишлардан фойдаланиш маҳорати.....	167
<b>Низамова Феруза Алимуллаевна.</b> Алишер Навоийнинг форсий ижодидан бир қатра.....	171
<b>Умрзаков Ислом Исройлович.</b> Уильям Фолкнер асарларида “вақт” категорияси.....	173
<b>Nusratilloyeva Dilnoza Nusratilloyevna.</b> Xurshid Davron lirikasida tarixiy shaxslar obrazi.....	177
<b>Nizomova Shoxista Shodiyevna.</b> Zamoniaviy she’riyatda suv va olov bilan bog‘liq obrazlarni ifodalash an’anasi.....	182
<b>Эгамбердиева Азиза Мустафаевна.</b> Таълимда ёшлар ташаббускорлигини оширишда фаол фуқаролик позициясининг ўрни.....	184
<b>Мамаюсупова Диловархон Бегматовна.</b> Давлат-хусусий шериклигининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари.....	188
<b>Sheralieva Shirin Abdisalomovna.</b> The Problem of Interaction of Language and Religion.....	194
<b>Khodjaniyazov Sardor Umarovich, Jumaniyazova Nasiba Odilbekovna.</b> Teaching Tourism Police with Cultural Intelligence.....	196

## MUALLIFLARGA ESLATMA

1. Maqola Times New Roman shriftida yozilishi lozim. Shrift hajmi – 14, qator oralig‘i – 1,5, hoshiya chapda 3 sm., yuqori va pastda 2,5 sm., o‘ngda 1,5 sm. bo‘lishi kerak.
2. Maqolada muallif(lar)ning ism-familiya va otasining ismi to‘liq yozilishi, muallif ilmiy unvoni va darjasni, telefon raqami, e-maili sarlavhadan oldin ko‘rsatilgan bo‘lishi lozim.
3. Har bir maqolada o‘zbek, rus va ingliz tillarida muallifning ism-familiyasi otasining ismi, maqolaning sarlavhasi, annotatsiya va kalit so‘zlar bo‘lishi shart.
4. Maqola tahrir hay’ati a’zosi tavsiyasi (taqrizi) va ekspertlar xulosasi bilan qabul qilinadi. Taqriz hamda ekspert xulosasi elektron shaklda ham qabul qilinadi. Bunda taqriz va ekspert xulosasi faqat kompyuterda rangli skanyer qilingan bo‘lishi kerak.
5. Har bir maqolada muammoning qo‘yilishi, materialning nazariy-metodologik va uslubiy jihatdan puxtaligi, manbalarning ishonchliligi, muammo, xulosa, taklif va tavsiyalarning asosliliga e’tibor berilishi kerak.
6. Maqolada foydalilanigan asosiy adabiyotlar ro‘yxati keltirilishi lozim.
7. Maqolalar hajmi kamida 0,25 bosma tabaqdan (40000 belgi, probellar bilan bir bosma tabaq hisoblanadi) iborat bo‘lishi kerak.
8. Tahririyatga kelgan fayllar mualliflarga qaytarilmaydi.
9. Tahririyat maqolani qisqartirish va tahrir qilish huquqiga ega.
10. Mualliflar jurnalda e’lon qilinadigan maqolalari uchun Urganch davlat universitetining rivojlantirish jamg‘armasining quyidagi hisob raqamiga pul o‘tkazishlari mumkin.

*Manzili: H. Olimjon ko‘chasi, 14-uy.*

*Tel: (0362) 224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz*

Sh/hr: 400110860334017094100079001

INN: 201651846 OKONX: 92110

Moliya vazirligi g‘aznachiligi

h/r: 2340 2000 3001 0000 1010

Bank: Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi XKKM

INN: 201122919 MFO: 00014

To‘lov maqsadi – “Ilm sarchashmalari” jurnaliga maqola uchun

Jurnalning 1 sahifasi 35000 so‘m.

1 ta jurnal 40.000 so‘m.

Izoh: Maqolalarning chiqish muddati jo‘natilgan paytidan 6 oy ichida.

### HURMATLI JURNALXONLAR!

“Ilm sarchashmalari” jurnaliga 2021-yil uchun obuna davom etmoqda.

Siz “O‘zbekiston pochtasi” ochiq aksiyadorlik jamiyatining viloyat filiallari, “Matbuot tarqatuvchi” sho‘ba korxonasi, bundan tashqari, “Ilm sarchashmalari” jurnali tahririyati orqali jurnalimizga obuna bo‘lishingiz mumkin.

Jurnal har oyda bir marta nashr qilinadi. Jurnalning nashr indeksi 1072.

Agar ko‘rsatilgan hisob raqamiga jurnal obunasi uchun pul o‘tkazsangiz:

- jurnalning bir yillik obuna bahosi – 480 000 so‘m;
- 6 oyga – 240 000 so‘m;
- 3 oyga – 120 000 so‘m.

Bunda tahririyat obunachilarga jurnalning har sonini shu belgilangan narxda yetkazib berishni o‘z zimmasiga oladi.

Obuna bo‘yicha murojaat uchun telefonlar: +998919154555, +99899-348-13-35;

(0362) 224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz , ilmsarchashmalari@mail.ru

# **“ILM SARCHASHMALARI”**

Urganch davlat universitetining ilmiy-nazariy, metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**  
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**  
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**  
**Aybek Kalandarov**  
Ushbu songa mas’ul **Zafar Ibragimov**

Terishga berildi: 21.01.2021  
Bosishga ruxsat etildi: 30.01.2021.  
Ofset qog‘ozzi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.  
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasi.  
Adadi 150. Buyurtma №. 3  
Hisob-nashriyot tabag‘i 25  
Shartli bosma tabag‘i 23  
UrDU matbaa bo‘limida chop etildi.

UrDU matbaa bo‘limi matbaa faoliyatini boshlagani  
haqida vakolatli davlat organini xabardor qilish to‘g‘risidagi  
Tasdiqnoma (№3802-835f-ad22-c709-fbd1-1129-1986) asosida faoliyat yuritadi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.  
Telefon/faks: (0362)-224-66-01;  
e-mail: [ilmsarchashmalari@umail.uz](mailto:ilmsarchashmalari@umail.uz)  
[ilmsarchashmalari@mail.ru](mailto:ilmsarchashmalari@mail.ru)  
Veb-sayt: [www.ilmsarchashmalari.uz](http://www.ilmsarchashmalari.uz)  
Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>